

## ИККИНЧИ ЖАҲОН УРУШИ ЙИЛЛАРИДА ХОРАЗМДАГИ ДЕМОГРАФИК ЎЗГАРИШЛАР ВА УНИНГ ОҚИБАТЛАРИ

*Аллаберганов Шерали Йўлдашевич, Урганч давлат университети  
Ёшлар билан ишлаш, маънавият ва маърифат бўлими бошлиғи,  
(PhD)*



<https://orcid.org/0009-0003-8484-1332>

e-mail:

[allaberganov.sherali7129@gmail.com](mailto:allaberganov.sherali7129@gmail.com)

## DEMOGRAPHIC CHANGES IN KHOREZM DURING THE SECOND WORLD WAR AND ITS CONSEQUENCES

*Allaberganov Sherali Yoldashevich, Head of the Department of Work with Youth, Spirituality and Enlightenment of Urganch State University, (PhD)*

## ДЕМОГРАФИЧЕСКИЕ ИЗМЕНЕНИЯ В ХОРЕЗМЕ В ГОДЫ ВТОРОЙ МИРОВОЙ ВОЙНЫ И ЕЕ ПОСЛЕДСТВИЯ

*Аллаберганов Шерали Юлдашевич, заведующий кафедрой работы с молодежью, духовности и просвещения Ургенчского государственного университета, (PhD)*

**Аннотация:** Ушбу мақолада Иккинчи жаҳон уруши йилларида Хоразм вилоятидаги демографик ўзгаришлар таҳлил қилинган. Мақолада эркаклар ва аёлларнинг ақлий ва жисмоний меҳнатдаги ҳиссалари фоиз ҳисобида кўрсатиб ўтилган. Республикада аҳолининг табиий ўсиши, тугилиши ва ўлимлар сони статистик ҳужжатлар асосида очиқ берилган. Уруш тўғрисида вилоятга аҳоли кўчириб келтирилиши натижасида турли хил эпидемик касалликлар пайдо бўлганлиги ва бу маҳаллий аҳолининг касалликларни юқтириб олишига ҳамда ўлимига сабаб бўлганлиги кўрсатиб ўтилган.

**Калим сўзлар:** Иккинчи жаҳон уруши, Хоразм, демография, аҳоли, тугилиши, ўлим, эркаклар, хотин-қизлар, эвакуация, фронт, ижтимоий ҳаёт.

**Abstract:** This article analyzes demographic changes in the Khorezm region during the Second World War. The article shows in percentage terms the contribution of men and women to mental and physical labor. Based on statistical documents, natural population growth and the number of births and deaths in the republic are revealed. It is shown that as a result of the relocation of the population to the region due to the war, various epidemic diseases arose, which led to illness and death of the local population.

**Key words:** World War II, Khorezm, demography, population, birth, death, men, women, evacuation, front, public life.

**Аннотация:** В данной статье анализируются демографические изменения в Хорезмской области в годы Второй мировой войны. В статье в процентном отношении показан вклад мужчин и женщин в умственный и физический труд. На основе статистических документов выявляется естественный прирост населения, число родившихся и умерших в республике. Показано, что в результате переселения населения в регион из-за войны возникли различные эпидемические заболевания, что привело к заболеванию и гибели местного населения.

**Ключевые слова:** Вторая мировая война, Хорезм, демография, население, рождение, смерть, мужчины, женщины, эвакуация, фронт, общественная жизнь.

**КИРИШ.** Иккинчи жаҳон уруши тортилди. Бутун республика ҳудудида фронтга бошланиши билан барча собиқ Иттифоқ сафарбарлик эълон қилинди. Албатта, Хоразм давлатлари қатори Ўзбекистон ҳам урушга вилояти аҳолиси ҳам ушбу сафарбарликдан

четда қолмади. Вилоятнинг мард, жасур ўғлонлари билан биргаликда хотин-қизлари ҳам фронтга кетиш истаги билан мудофаа ишлари бошқармаларига аризалар бера бошладилар. Иккинчи жаҳон уруши фронтларига вилоятдан жами 132 340 нафар йигит-қиз жўнаб кетди[1]. Шулардан ҳалок бўлганлар 35845 нафар, бедарак йўқолганлар 53058 нафар, ногирон бўлиб қайтганлар 13211 нафар, асир тушганлар 276 нафар, урушдан қайтиб келганлар 30450 нафарни ташкил қилади[2].

**АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ.** Уруш арафасида республикада аҳоли сони ва унда эркак ва аёллар нисбати, иктисодиётнинг турли соҳалари бўйича меҳнат қилган эр йигит ва хотин-қизлар тўғрисида бир қанча илмий нашрлар чоп қилинди. Шундай нашрлардан бири бу Х.Султонов бошчилигида нашрга тайёрланган “Ўзбекистон халқининг фашизм устидан қозонилган ғалабага қўшган ҳиссаси” [3], “Ўзбекистон Иккинчи жаҳон уруши даврида” [4] номли китоб-альбомлари алоҳида аҳамиятга эга бўлса-да, аммо бу китобларда вилоят аҳолиси тўғрисида алоҳида маълумотлар бериб ўтилмаган эди.

Иккинчи жаҳон уруши арафасида вилоят аҳолиси тўғрисида маълумот берувчи алоҳида тадқиқот иши яратилмаган бўлса-да, маълум маънода ушбу масалалар ва маълумотлар Г.И.Зайкониинг 1964 йилда нашр қилинган “Статистический сборник” тўпламида ўз аксини топган. Бундан ташқари, “Инқилоб кўёши” ва “Хоразм ҳақиқати” газеталарининг 1939-1945 йиллардаги барча сонларида ушбу масалага оид маълумотлар бериб борилган. Вилоятдаги демографик масалаларга оид маълумотлар М.Матниёзовнинг Хоразм тарихи китобининг 2-жилдида ҳамда вилоят архиви фондларидаги ҳужжатларда келтирилган[5].

**МЕТОДЛАР.** Тадқиқотнинг услубий асосини объективлик ва тарихийлик принципи ташкил этади. Шунингдек, мақоладаги маълумотларни таҳлил этишда статистик усулдан ҳам фойдаланилди.

**ТАҲЛИЛ ВА НАТИЖАЛАР.** Иккинчи жаҳон уруши бошланиши арафасида Ўзбекистон аҳолиси 6 440 000 кишидан иборат бўлиб, ушбу аҳолининг 3 329 000 нафари эркаклар, 3 111 000 нафарини аёллар ташкил қилган. Уруш бошланиши арафасида эркаклар республика аҳолисининг 52%ини, аёллар 48%ини ташкил этган. 1939

йилда ўзбекистонликларнинг 86,2 %и жисмоний меҳнат билан, 13,8 %и ақлий меҳнат билан шуғулланганлар. Шундан эркакларнинг жисмоний меҳнатдаги улуши 83,1 % ни, ақлий меҳнатдаги улуши 16,9 % ни ташкил қилган бўлса, республика хотин-қизларининг жисмоний меҳнатдаги ҳиссаси 91,1 % ни, ақлий меҳнатдаги ҳиссаси 8,9 % ни ташкил этган[6]. Уруш йилларида оғир саноат соҳаси тармоқларида, жумладан металлургия, машинасозлик ва қишлоқ хўжалигининг оғир меҳнатли соҳаларида аёллар меҳнатидан ҳам кенг фойдаланила бошланган.

Иккинчи жаҳон уруши даврида Ўзбекистон аҳолиси этник таркиби деярли 100 га яқин миллат ва элат вакилларидан иборат бўлган. Шулардан энг кўп сонли миллатлар ўзбек, рус, татар, қozoқ, тожик, қорақалпоқ, корейс, еврей, украин, қирғиз, туркман миллатлари бўлиб, ушбу миллатлардан ўзбеклар 61,1%, руслар 13,5 %, татарлар 5,4%, қozoқлар 4,9%, тожиклар 3,8%, қорақалпоқлар 2%, корейслар 1,7%, еврейлар 1,2%, украинлар 1,1%, қирғизлар 1,1%, туркманлар 0,7%ни ташкил этган.

1939 йилда Олий ва ўрта махсус таълим олганлар республика бўйича 270 000 кишини ташкил этган бўлса, шундан олий маълумотлилар 20 000 нафар, тугалланмаган олий, ўрта махсус, ўрта ва тугалланмаган ўрта маълумотлилар 250 000 нафарни ташкил этган[7].

Республикада Иккинчи жаҳон уруши йилларидаги статистик маълумотларга кўра ҳар йилги туғилиш сони ҳар 1000 нафар кишига нисбатан 33,6 нафарни ташкил қилган, бу республика аҳолиси сонига нисбатан ҳисоблаганда 216384 нафар кишини ташкил этган. Ўлим даражаси бўлса, ҳар 1000 нафар кишига нисбатан 13,2 нафарни ташкил қилган, бу республика аҳолиси сонига нисбатан ҳисоблаганда 85006 нафар кишини ташкил этган. Аҳолининг табиий ўсиши ҳар 1000 нафар кишига нисбатан 20,4 нафарни ташкил қилган, бу республика аҳолиси сонига нисбатан ҳисоблаганда 131376 кишини ташкил этган[8].

Иккинчи жаҳон уруши йилларида Хоразм вилояти аҳолиси эса 323 000 кишидан иборат бўлган. Вилоят аҳолисининг 11 %и шаҳарликлар, 89%ини қишлоқларда истиқомат қилувчилар ташкил қилар эди. Уруш бошланиши арафасида вилоятдаги шаҳарликлар 37 000 кишини, қиш-

лоқларда истиқомат қилувчилар 286 000 кишини ташкил этган. Шу даврда Урганч шаҳри вилоят маркази бўлиб 22 000 киши истиқомат қилган[9].

Агар 1940 йилда республика саноатида банд бўлган аёллар 34 %ни, ишчи ва хизматчи аёллар сони республика ишчиларининг 40,7%ини ташкил этган бўлса, бу кўрсаткич совет ҳокимияти ва коммунистик партия томонидан олиб борилган мажбурий сиёсат туфайли 1942-йилга келиб 54,9 %ни ташкил этган, шу йилнинг охирида хотин-қизлар республика йирик саноат корхоналари меҳнат ресурсларининг 63,5%ини ташкил этиб, халқ хўжалигида ҳал қилувчи роль ўйнаган[10].

1940 йилда қишлоқ хўжалигида ишловчи колхозчилар сони таркибида аёллар 45 фоизни, 1943 йилга келиб бу кўрсаткич 65,3 фоизни ташкил қилган. Шу билан бирга, колхозларда ишлайдиган аёллар учун шароитларни яхшилаш борасида ҳам бир қатор ишлар амалга оширилди. 1943 йилга келиб вилоятда 35 минг болага мўлжалланган 624 болалар боғчалари ташкил этилди[11].

Уруш йилларида Хоразм вилоятига ҳам, эвакуация қилинган аҳоли 1941 йилнинг иккинчи ярмидан бошлаб кўчириб келтирила бошланди. 1941 йил 1 декабрда вилоятнинг шаҳар ва туманларига Украина, Белоруссия, Молдавия ва Польшадан жами 4617 киши келиб, жойлаштирилди [12]. Вилоятга уруш бўлаётган ҳудудлар аҳолисининг эвакуация қилиниши натижасида юқумли ва эпидемик касалликлар пайдо бўла бошлади. Натижада, санитария-эпидемиология хизмати тармоғи кенгайтирилди, аҳоли пунктлари ободонлаштирилди ва кўкаламзорлаштирилди, юқумли касалликлар ва эпидемиялар хавфининг олдини олиш учун тегишли санитария-гигиена шароитлари яратилди[13].

**ХУЛОСАЛАР.** Иккинчи жаҳон уруши давридаги демографик ўзгаришлар натижасида бутун республикадаги каби вилоятда ҳам аҳоли сони кескин камайди, кўчириб келтирилган аҳоли билан бирга кириб келган юқумли касалликлар ҳам ёш болалар ва кексалар ўлимининг кўпайишига олиб келди. Бундан ташқари, саноат корхоналарида, оғир меҳнат талаб қиладиган соҳаларда, қишлоқ хўжалигининг эркаклар меҳнатига асосланган чорвачилик, ғаллачилик, боғдорчилик, полизчилик каби соҳаларида кадрлар

етишмовчилиги юзага келди. Меҳнат заҳираларининг етишмаслиги сабабли ёш болалардан ишчи сифатида фойдаланилди. Нафақадаги қариялар ишга қайтарилди. Чунки иқтисодиётнинг барча жабҳаларида меҳнат фаолиятини тўхтатиш мумкин эмас эди. Шу сабабли ёшлар, хотин-қизлар ва қариялар тинмасдан кечаю-кундуз ишладилар. Меҳнатдан бош тортганлар тегишли жазоларга тортилди.

### АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Аллаберганов Ш., Жуманиязова Ф. Хоразмликларнинг фашизм устидан қозонилган буюк ғалабага қўшган ҳиссалари. Фото-альбом. 2024 йил. – Б. 210.
2. Хоразм вилояти Мудофаа Ишлари Бошқармаси архиви фонди. 2021 йил декабрдаги ҳисоботи. Б.1.
3. O‘zbekiston xalqining fashizm ustidan qozonilgan g‘alabaga qo‘shgan hissasi [Albom]: kitob-albom/nashr uchun mas‘ul X.Sultonov; tuzuvchilar Saidolimov S., Raximov M., Sagdullayev K., Nazarov R., Bobojonov X. – T.: O‘zbekiston, 2020. – 320 b;
4. Ўзбекистон Иккинчи жаҳон уруши даврида [Альбом]: китоб-альбом/нашр учун мас‘ул Х.Султонов; тузувчилар С.Саидолимов, К.Саъдуллаев, Ҳ.Бобожонов, Д.Аберкулов. – Т.: “Ўзбекистон”, 2021. – 288 б; O‘zbekiston Ikkinchi jahon urushi davrida [Albom]: kitob-albom/nashr uchun mas‘ul X. Sultonov; tuzuvchilar S. Saidolimov, K.Sa‘dullayev, H.Bobojonov, D.Aberkulov. – T.: O‘zbekiston, 2022. – 352 b.
5. Матниёзов М. Хоразм тарихи. Урганч. 1997. 2-жилд.
6. Г.И.Зайко. Советский Узбекистан за 40 лет. Статистический сборник. – Ташкент: “Ўзбекистон”, 1964. – С.14.
7. Зайко Г.И. Статистический сборник.
8. Зайко Г.И. Статистический сборник.
9. Жуманиязова Ф. Иккинчи жаҳон уруши йилларида Хоразм вилояти хотин-қизлари ҳаёти ва фаолияти. Тарих ф.ф.д. дис. автореферати. 2024. –Б. 56.
10. O‘zRPAА. R-58-fond, 19-ro‘uxat, 885- yig‘ma jild, 3-varaq.
11. Узбекская ССР в годы Великой Отечественной войны (1941-1945 гг.). Т. 2. – С. 124.
12. Ф.Жуманиязова. Иккинчи жаҳон уруши йилларида Хоразмга эвакуация қилинган аҳоли ва болаларга кўрсатилган инсонпарварлик ёрдами. Хоразм Маъмун академияси ахборотномаси. - 8/3.2022. – Б.115.
13. Хоразм вилояти давлат архиви. Фонд-745, опис-1, дело-5, варақ-18.

## “INSON – JAMIYAT – DAVLAT” IYERARXIYASIDA DAVLAT XIZMATCHISI KASBIY MA’NAVIYATINING ROLI

*Ismailov Dilshod Baxriddinovich, Respublika Ma’naviyat va ma’rifat  
markazi huzuridagi Ijtimoiy-ma’naviy tadqiqotlar instituti mustaqil  
tadqiqotchisi*

## THE ROLE OF PROFESSIONAL SPIRITUALITY OF A CIVIL SERVANT IN THE HIERARCHY “MAN – SOCIETY – STATE”

*Independent researcher at the Institute of Social and Spiritual  
Research at the Republican Center for Spirituality and Education*

## РОЛЬ ПРОФЕССИОНАЛЬНОЙ ДУХОВНОСТИ ГОСУДАРСТВЕННОГО СЛУЖАЩЕГО В ИЕРАРХИИ «ЧЕЛОВЕК – ОБЩЕСТВО – ГОСУДАРСТВО»

*Независимый исследователь института социально-духовных  
исследований при Республиканском центре духовности и  
просвещения*

**Аннотация:** В данной статье научно анализируются мнения о профессиональной духовности государственных служащих в иерархии «Человек – общество – государство». Также при реализации отношений «Человек – общество – государство» особое внимание уделяется вопросам, тесно связанным с кадровой политикой, подготовкой и поддержкой квалифицированных кадров для оказания государственной гражданской служб.

**Ключевые слова:** страна, общество, духовность, «Человек – общество – государство», государственная гражданская служба, государственный служащий, профессиональная духовность.

**Annotation:** This article scientifically analyzes opinions on the professional spirituality of civil servants in the hierarchy “person – society – state”. Also, when implementing the relationship “Man – Society – State”, special attention is paid to issues closely related to personnel policy, training and support of qualified personnel for the provision of public civil service.

**Keywords:** country, society, spirituality, “Man - society – state”, state civil service, civil servant, professional spirituality.

**Annotatsiya:** Mazkur maqolada “Inson – jamiyat – davlat” iyerarxiyasida davlat xizmatchisining kasbiy ma’naviyati haqidagi fikrlar ilmiy jihatdan tahlil etilgan. Shuningdek, “Inson – jamiyat – davlat” munosabatlarini amalga oshirishda kadrlar siyosati bilan chambarchas bog‘liq masalalar, davlat fuqarolik xizmatini ko‘rsatish bo‘yicha malakali kadrlarni tayyorlash va qo‘llab-quvvatlashga e’tibor qaratilgan.

**Kalit so‘zlar:** mamlakat, jamiyat, ma’naviyat, “Inson – jamiyat – davlat”, davlat fuqarolik xizmati, davlat xizmatchisi, kasbiy ma’naviyat.



<https://orcid.org/0009-0001-0702-4836>

e-mail:  
[dilshod6004@mail.ru](mailto:dilshod6004@mail.ru)